

# БАНК АЖБОРОННОМАНИ

Банк ходимлари ва тadbиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№34 (1161), 2018 йил 21 август

● Мамлакатимиз Мустақиллигининг 27 йиллигига



## Арзон, шинам ва кўркам уйда яшаш саодати

Бир пайтлар пулинг бўлсагина, кўркам ва шинам уйни орзу этардинг. Шунда ҳам янги қурилгани эмас, анча йиллар олдин фойдаланишга топширилган, айримларининг қувурлари занглаган, иситиш тизими анча ярқисиз ҳолга келган бир уй насиб этарди.



**Т**абиики, уларнинг капитал ремонтга ҳам йўқ деганда яна бир машинанинг пули сарф бўларди. Шукрки, бугун республикамиздаги турли ҳудудлар – чекка қишлоқ ва овулларига қадар қурилаётган замонавий, намунали, ҳашаматли уй-жойлар сабаб фарзандлари, келини, неваралари билан бир уйда сиқилиб, торлигидан меҳмонини ҳам ўйлаб қақирадиган оилалар бағрига шомол теғди. Ота-налар учун фарзандларини уйли-жойли қилиш анчайин енгиллашди. Ногиронлиги бор, ижтимоий аҳволи оғир, кўмакка муҳтож оила вакиллари барча шароитларга эга уйларга даъвогарлик қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Миллий матбуот марказида «Ипотека-банк» АТИБ томонидан ўтказилган «Аҳоли учун арзон кўп қаватли уй-жойларни кредитлаш бўйича ягона чора-тадбирлар» мавзусидаги анжуман айна шу масалаларга бағишланди.

(Давоми 4-бетда).

## Тижорат банкларининг Марказий банкда депозитга ўтказиладиган мажбурий резервларини ҳисоблаш ва депозитга ўтказиш тартиби ҳамда меъёрларига ўзгартириш киритилди

**2**018 йилнинг 17 август куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви Тижорат банкларининг Марказий банкда депозитга ўтказиладиган мажбурий резервларини ҳисоблаш ва депозитга ўтказиш тартиби ҳамда меъёрларига ўзгартириш киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

(Давоми 2-бетда).

**FINANCEUZ** хабар қилади

## Молия бозори ва молиявий хизматларни ривожлантириш истиқболлари

Пойтахтимизда Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар, Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмиталари ҳамда Банк-молия академияси билан ҳамкорликда халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

**«М**олия бозори ва молия хизматлари соҳасини янада ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва истиқболлари: миллий амалиёт ва халқаро тажриба» мавзусидаги мазкур тадбирда сенаторлар, хорижий ва миллий экспертлар, мутасадди вазирлик ҳамда идоралар, тижорат банклари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

## «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Амонатбанк» ўртасидаги битим

Тожикистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга амалга оширган давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон-Тожикистон ишбилармонлари бизнес форуми ташкил этилди.

**У**нда «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банки ва «Амонатбанк» (Тожикистон) ўртасида 10 млн. АҚШ доллариллик ҳамкорлик битими имзоланди. Мазкур келишувдан кўзланган мақсад Тожикистон банкларига кредит линияларини тақдим этиш орқали

кўшни республикага экспорт қилинаётган Ўзбекистон маҳсулотлари ҳажмини кўпайтиришдан иборатдир.

Қайд этиш жоиз, давлатимиз раҳбарининг Тожикистон Республикасига қилган давлат ташрифи доирасида «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Ориёнбанк» ўртасида ҳам-

корлик битими имзоланган эди. Бугунги кунда ушбу ҳужжат бўйича 5 млн. долларлик келишув молиялаштирилди.

Шу билан бирга форум давомида томонлар узоқ муддатли кредитлаш, халқаро ҳисоб-китоб, клиринг сингари йўналишларда ҳам ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.



УШБУ СОНДА:

**Банклардан хабарлар**  
Тижорат банкларидан янги хизматлар.  
4-бет.



**Қонунчиликдаги янгиликлар**  
Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.  
6-бет.



**Дунёга нигоҳ**  
Халқаро банк-молия янгиликлари.  
7-бет.



## ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

## Тижорат банкларининг Марказий банкда депозитга ўтказиладиган мажбурий резервларини ҳисоблаш ва депозитга ўтказиш тартиби ҳамда меъёрларига ўзгартириш киритилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Пул-кредит сиёсати инструментларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича босқичма-босқич амалга оширилаётган чоралар доирасида Марказий банк Бошқаруви томонидан мажбурий резервлар тартиби ва меъёрларига, жорий йилнинг 1 октябидан амал қилиниши кўзда тутилган ўзгартиришлар киритилди. Хусусан:

- мажбурий резервларни тижорат банклар томонидан жалб қилинган мажбуриятларнинг валютасидан қатъи назар фақат миллий валютада шакллантириш бўйича тартиб ўрнатилмоқда;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитлари бўйича меъёрлари бир хиллаштирилмоқда;
- юридик шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари учун мажбурий резервлар меъёрлари пасайтирилмоқда;
- чет эл валютасидаги депозитлар бўйича мажбурий резервлар учун нисбатан юқори меъёрлар киритилмоқда.

Мажбурият валютаси	Муддати	Янги меъёрлар (01.10.2018 йилдан)	Амалдаги меъёрлар (маълумот учун)	
			жисмоний шахслар учун	юридик шахслар учун
Юридик ва жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари	2 йилдан ортиқ	0%	0%	0%
	1 йилдан 2 йилгача	2%	2%	7%
Юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги депозитлари	бошқа депозитлар	4%	4%	14%
	2 йилдан ортиқ	0%	0%	0%
Юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги депозитлари	1 йилдан 2 йилгача	7%	3%	8%
	бошқа депозитлар	14%	6%	16%


Ушбу ўзгартиришлар:

- миллий валютадаги депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг жозибадорлигини оширишга;
- иқтисодиётдаги «долларлашув» даражасини камайтиришга;
- банк тизимидаги ликвидликни тартибга солишда бозор механизмларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, иқтисодиётдаги инфляциянинг прогноз даражаси ва фоиз ставкалари динамикасидан келиб чиқиб, келгусида пул-кредит сиёсати таъсирчанлигини ошириш мақсадида унинг инструментларига Марказий банк томонидан тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилади.

## Тижорат арбитражи бўйича Буюк Британия компанияси билан келишув

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида Буюк Британиянинг «Merritt LTD» юридик компанияси вакиллари билан учрашув ўтказилиб, унинг якунида томонлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.



– Мақсад Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Халқаро тижорат арбитраж суди фаолиятини кенгайтириш, Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги ижобий имижини халқаро майдонда кўтариш, низоларни ҳал қилишнинг самарали механизмини яратишга қўмаклашишдан иборат, – дейди Савдо-саноат палатаси раиси А.Икрамов.

Лондон ва Дубайда ўз бўлимларига эга «Merritt LTD» компанияси яқинда ўз фаолиятини Тошкент шаҳрида ҳам бошлади. Арбитраж ва низоларни ҳал этиш, энергетика, тоғ-кон ва инфраструктура соҳасидаги лойиҳалар, қурилиш ва кўчмас мулк, банк иши ва молия соҳалари компания фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Меморандумда томонлар халқаро тижорат арбитраж судларининг арбитражлари, жаҳондаги етакчи юридик компанияларнинг мутахассислари иштирокида конференциялар, семинарлар, тақдимотлар ўтказиш, халқаро тижорат арбитраж судини ривожлантириш концепцияси, регламенти ва ҳужжатларини тайёрлаш, халқаро ташкилотлар ва бошқа донор-ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар ташкил қилиш, турли услубий қўлланма ва мақолалар чоп этиш каби чора-тадбирлар бўйича ҳамкорлик қилиши назарда тутилган.

Нарсуза АҲМЕДОВА.

## Молия бозори ва молиявий хизматларни ривожлантириш истиқболлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда сўзга чиққанлар иқтисодиётнинг реал сектори ва молия бозори ўртасидаги узилиш сабабли корхоналар инвестициявий маблағларни жалб қилишда молия бозори воситаларидан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келаётганини, уй хўжаликларининг молия бозорига кириб бориши орқали уларнинг корпоратив қимматли қоғозлар бозоридаги салмоғини ошириш масаласи ечимини қутаётганини таъкидлаб ўтди.

Молия бозори соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш, бу борада аҳолининг тушунчасини ошириш, қимматли қоғозларни сотиш орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини мамлакат иқтисодиётига жалб этишнинг синалган усулларида фойдаланиш самарадорлиги ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбатида молия бозори ва молиявий хизматларни ривожлантириш, фонд биржаси механизмини такомиллаштириш, қисқа муддатли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш билан боғлиқ масалалар юзасидан тавсиялар берилди.

Ў.А.

## Ҳашар – ўзбекнинг азалий урф-одати!



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 августдаги фармойишига биноан, жорий йилнинг 18-19 август кунлари Ўзбекистонда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги умумхалқ хайрия ҳашари кунлари, деб эълон қилинди. Унда «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг аҳил жамоаси ҳам фаол иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш, уларнинг мазмун-моҳиятини ёшларнинг онгу шуурига чуқур синдириш борасида амалга оширилаётган ишлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Барча мусулмонларнинг улуғ байрами саналмиш Қурбон Ҳайити ва Ўзбекистон Мустақиллигининг 27 йиллик байрам шодиёналари арафасида анъанавий тарзда ўтказилаётган ободонлаштириш ва тозалик ойлиги, умумхалқ хайрия ҳашарлари ана шундай хайрли ишлардандир.

– Ҳашар – бу халқимизнинг қадимий ва азалий қадриятларидан биридир. Унинг замирида ободлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, хайр-саховат ва бунёдкорлик мужассам, – дейди «Трастбанк» ХАБ Ходимлар билан ишлаш департамент

ти Бош мутахассиси Хуршида Файзиева. – Ҳашарни ҳар бир инсон ўз уйи, кўчаси, ҳовли-жойини тозалашдан бошлади, сўнгра оммавий тозалик ишлари маҳалла, меҳнат жамоалари, сайилгоҳлар ҳамда бутун мамлакат бўйлаб ёйилади. Келинларимиз супур-сидир, тозалаш ишлари билан банд бўлса, йигитлар ариқ-зовурлар, каналлар ва бошқа сув йўллари тозалайди. Нуруний боболар набираларига янги ниҳоллар экиш, боғларни парваришlash илмидан сабоқ беради.

Миллий байрамларимиз арафасида эълон қилинган умумхалқ хайрия ҳашарида банкнинг бино атрофи ва ички ҳудудлари тартибга келтирилди, ариқлар, кўчалар ва йўлаклар тозаланди, дов-драхтларни буталаш ишлари амалга оширилди.

finance.uz

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI MARKAZIЙ BANKI BOШҚARUVINING  
ҚARORI**Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги  
низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида****Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 16 июль куни  
2364-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚAROP ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 24 мартдаги 10/1-сонли қарори

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Раиси**  
Тошкент ш.,  
2018 йил 30 июнь, 22/6-сон

(рўйхат рақами 2364, 2012 йил 15 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 223-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**М.НУРМУРАТОВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2018 йил 30 июндаги 22/6-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 5-банднинг тўртинчи хатбошисидан «охирги уч» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. III боб ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 25-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кафолат суммаси «90993 – Кафолат ва кафилликлар» ҳисобварағига кириб қилинади ва кафолат сумма-

си ушбу ҳисобварақда тўлиқ қоплаб берилгунга қадар сақланади. Бунда хорижий ва халқаро ташкилотларнинг кредит линиялари ва қарзларини жалб қилиш билан боғлиқ банк кафолатлари суммаси мижозлар томонидан графика асосан ёки муддатидан олдин қайтарилганда «90993 – Кафолат ва кафилликлар» ҳисобварағининг қолдиги мос равишда камайтириб борилади.»

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI MARKAZIЙ BANKI BOШҚARUVINING  
ҚARORI**«Кредит бюроларининг техник ва дастурий воситаларига ахборот хавфсизлиги  
ва муҳофазасини таъминлаш бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низоми  
тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида****Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 25 июль куни  
2318-1-сон билан давлат рўйхатдан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚAROP ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 20 декабрдаги 38/5-сонли «Кредит бюроларининг техник ва дастурий воситаларига ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисидаги ни-

зомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2318, 2012 йил 23 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 3-4-сон, 35-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Раиси**  
Тошкент ш.,  
2018 йил 28 апрель, 16/25-сон

Келишилган:

**Ўзбекистон Республикаси Ахборот  
технологиялари ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлиги**  
2018 йил 28 апрель

**М. НУРМУРАТОВ****А. АХМЕДХАДЖАЕВ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ

## ҚАРОРИ

### Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 31 июль куни  
2014-13-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5296-сонли Фармониغا мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий бан-

ки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда) билан тасдиқланган Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Марказий банки Раиси**  
Тошкент ш.,  
2018 йил 30 июнь, 22/5-сон

**М. НУРМУРАТОВ**

*Ўзбекистон Республикаси*  
*Марказий банки Бошқарувининг*  
*2018 йил 30 июндаги 22/5-сонли қарорига*  
**ИЛОВА**

### Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида низомига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 1-бандда:  
қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«рақамли банк – инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда (касса хизматини кўрсатмасдан) банк хизматларини масофавий кўрсатувчи банк ёки унинг таркибий бўлинмаси. Рақамли банклар томонидан банк хизматларини масофавий кўрсатиш банкнинг ички тартиб-қоидаларига асосан қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади;»;

учинчи – саккизинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи – тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин; бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин; еттинчи хатбошининг учинчи жумласи чиқариб ташлансин.

2. 19-банднинг еттинчи хатбошисидаги «соф фойда ва дивидендларни» деган сўзлар «соф фойдани» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3. 28-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«28. Банкнинг раҳбар ходимларига қуйидагилар кирди:

банк кенгашининг раиси ва аъзолари;  
бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари;  
бошқарув аъзолари,  
бош банкнинг бош бухгалтери;  
банк филиалларининг раҳбарлари ҳамда уларнинг бош бухгалтерлари.

Ушбу бандда келтирилган шахсларга нисбатан (банк кенгаши раиси ва аъзоларидан ташқари) Тижо-

рат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларига (рўйхат рақами 2989, 2018 йил 30 март) мувофиқ малака талаблари белгиланади.».

4. 29-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 40-банддаги «ва банкнинг» деган сўзлар «, банк ва рақамли банкларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 66 ва 75-бандлардаги «Лицензиялаш департаменти» деган сўзлар «Марказий банк» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 67-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«67. Тақдим этилган ҳужжатлар тўплами тўлиқ жамланса ва мазкур Низом талабларига мувофиқ келса, Банк назорати қўмитасига банкни очиш учун дастлабки рухсатни бериш тўғрисидаги масала киритилади, ақс ҳолда ҳужжатлар тўплами қайтариш сабаби ва қанча муддат ичида ҳужжатларни такроран тақдим этиш мумкинлиги кўрсатилган дастлабки рухсатни беришни рад этиш ҳақидаги хабарнома ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда қайтарилади.».

8. 74-банднинг «д» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. 771-банднинг иккинчи хатбошидаги «ўн беш» деган сўзлар «ун» деган сўз билан алмаштирилсин.

10. 107-банддан олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

## Арзон, шинам ва кўркам уйда яшаш саодати



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, «Ипотека-банк» АТИБ Давлат дастурларида белгиланган кенг қўламли иқтисодий ислохотларда фаол иштирок этиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган устувор вазифалар ижросига, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шунингдек, мазкур банк томонидан мамлакатимизда уй-жой қурилишини инвестициялаш ҳамда ипотека кредитлаш тизимини ривожлантириш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

– Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари замирида юртимиз тараққиёти, маҳаллаларимиз ободлиги, фарзандларимиз камолоти, аҳолининг фаровон умргузаронлик қилиши мужассам, – дейди «Ипотека-банк» АТИБ бошқарув раиси ўринбосари Махмуд Абдурахмонов. – Банкимиз ҳам бу соҳада ўз муносиб ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда. Арзон уй-жойлар қурилишини молиялаштириш, қуриб битказилганларини белгиланган кредитлар асосида ўз эгаларига топшириш, шунингдек, қурилиш майдонларидаги иш жараёнини доимий ўрганиб, объектларни ўз вақтида, сифатли топширилишини мунтазам назорат қилиш зим-

мамиздаги юксак вазифалардан биридир.

Дарҳақиқат, бугун аҳолининг эҳтиёжманд қисмини уй-жой билан таъминлашга кучли эътибор қаратилаётир. Зеро, буни қуйидаги рақамлардан ҳам билсак бўлади. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 23 октябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралли уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 июлдаги фармойишига мувофиқ айти пайтда Тошкент шаҳри ва республикамизнинг барча шаҳарларида 411 та кўп квартиралли уй-жой қурилиши жадал давом этмоқда. Режага кўра, шу йилнинг ўзиде 16995 та муҳтож оила арзон ва шинам уй-жой билан таъминланади.

– Бугунги кунда 2017-2020 йилларда шаҳарларда кўп квартиралли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури параметрлари тасдиқланган бўлиб, унга кўра, келгуси тўрт йилда жами 51350 хонадондан иборат 5,7,9 қаватли 1236 та уй-жой қурилиши белгиланган, – дейди «Ипотека-банк» АТИБ ипотека ва истеъмол кредитлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Фарҳод Қурбонов.

Шунингдек, анжуман давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

Бобур МУҲАММАДИЕВ.

## Молиявий хизматлар ўтган 7 ойда 133,2 фоизга ўсди

Ўзбекистон

Республикаси Давлат статистика қўмитаси хизматлар соҳасининг ривожланишини маълум қилди.

**Ж**орий йилнинг январь-июль ойларида бозор хизматлари ҳажми 78662,3 млрд. сўмни ташкил этди. Бунда молиявий хизматларнинг ўсиш суръати 133,2 фоиз, транспорт хизматлари улуши кўрсатилган умумий хизматлар ҳажмида 30,1 фоизни, аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми 2399,8 минг сўмни ташкил этди.

Ушбу даврда иқтисодий фаолият турлари бўйича меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (36,0 фоиз), молиявий хизматлар (33,2 фоиз), алоқа ва ах-



боротлаштириш хизматлари (16,9 фоиз), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (14,7 фоиз) бўйича юқори ўсиш суръатлари кузатилади.

Мазкур кўрсаткични ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва

таҳлил соҳасидаги хизматларнинг ўсиш суръати – 107,2 фоиз, молиявий хизматлар – 135,1 фоиз, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 116,3 фоиз, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар – 114,6 фоизни ташкил этганини қайд этиш мумкин.

finance.uz

## БАНКЛАРДАН ХАБАРЛАР

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН МУҲИМ ЯНГИЛИК!

«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банки якка тартибдаги тадбиркорлар эътиборига конверсия амалиёти орқали нақдсиз шаклда жорий қилинган кредит турини таклиф қилмоқда.

Кредит миллий валютада 12 ойгача муддатга 100 минг АҚШ долларигача бўлган миқдорда халқаро «Бизнес карта»га ўтказиб берилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар ушбу кредитдан хориждан хомашёлар, товарлар ва бошқа моддий қийматликларни импорт шартномасига асосан сотиб олиш мақсадида фойдаланишлари кўзда тутилган.

Кредит учун белгиланган имтиёзли давр – 30 банк иш кунигачадир.

«АГРОБАНК» ДАН ИМТИЁЗЛИ ХИЗМАТ



«Агробанк» акциядорлик-тижорат банки томонидан муассасанинг «Visa» халқаро пластик картасига эга мижозлари учун имтиёзлар ишлаб чиқилди.

Эндиликда «Agrobankmobile» мобил иловаси орқали банкнинг «Visa» халқаро пластик картасидан миллий валютадаги пластик картага ёки омонат ҳисобрақамига маблағлар ўтказиш бепул амалга оширилади.

«INFINBANK» АВТОКРЕДИТ БЎЙИЧА ЎЗ ТАКЛИФЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТМОҚДА

«Invest Finance Bank» хусусий акциядорлик тижорат банки томонидан бир неча шартларга эга «Автокредитлаш» хизмати тақдим этилмоқда. «Ўйлаймизки, улар сизнинг айти имкониятларингизга тўғри келади», дейлади банк расмий сайтыда.

Кредит Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган янги автотранспорт воситаларини харид қилиш учун 1 йилдан 4 йилгача бўлган муддатга тақдим этилади. Бунда кредитдан фойдаланганлик учун устама миқдор томонидан амалга оширилган бирламчи бадалга боғлиқ тарзда 16 фоиздан 24 фоизгача бўлган миқдорни ташкил этади. Яъни:

- кредит муддати 4 йилгача бўлиб, бадал 25% бўлган тақдирда – кредит йиллик устамаси 24 фоиз;
- 4 йилгача бўлиб, бадал 40% бўлган тақдирда – йиллик 22 фоиз;
- 3 йилгача бўлиб, бадал 50% бўлган тақдирда – йиллик 20 фоиз;
- 2 йилгача бўлиб, бадал 50% бўлган тақдирда – 18 фоиз;
- 1 йилгача бўлиб, бадал 60% бўлган тақдирда – йиллик 16 фоиз.

Кредитни олиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

- кредитни олиш учун ариза;
- белгиланган тартибда ўрнатилган, иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома (меҳнат стажи 6 ойдан кам бўлмаслиги керак);
- мижоз шахси ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси (ундан нусха олинади);
- турар жойидан маълумотнома;
- автомобилни етказиб бериш ҳақидаги шартнома.

Назира МАВЛОНОВА тайёрлади.

## ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА

## Голландия ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалик вазирликлари ҳамкорлиги

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини янги босқичга олиб чиқиш, уни иқтисодийнинг муҳим бўлаги сифатида ривожлантириш, фермер ва деҳқонлар малакасини ошириш, улар етиштирган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

**Н**идерландиянинг қишлоқ хўжалиги соҳасини ҳар томонлама ривожлантиришда илғор тажрибасини ўрганиш, давлатлар, хусусий сектор ва таълим муассасалари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари Саидкамол Хўжаев бошчилигидаги делегация Нидерландияга расмий таширф буюрди.

Таширфининг илк кунинда Нидерландия қироллиги қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳит ва озиқ-овқат сифати вазири ўринбосари Марелин Соннема хоним билан учрашув



ўтказилди. У Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, иқтисодийдаги илғор технологиялар ва ишланмаларни жалб қилиш бўйича кўрилаётган чоратadbирларнинг натижаларини юксак баҳолаб, ўзбек деҳқонларининг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашда Нидерландия ҳукумати кўмак кўрсатишга тайёр эканлигини маълум қилди. Музокаралар якунида томонлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ақс эттирилган протокол имзоланди.

– Бирга ишлаш учун имкониятлар катта эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Ўзбекистон билан ҳамкорлик

муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистондаги ўзгаришлар Голландия компанияларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бугун биз боғдорчилик, чорвачилик, паррандачилик, сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида кенг имкониятларни кўряпмиз, – дейди Марелин Соннема.

Таширф давомида делегация вакиллари қишлоқ хўжалиги соҳасида жаҳонда етакчи олий таълим муассасаларидан бири – Вагенинген университетининг тадқиқот марказида ҳам бўлишди. Марказ халқаро миқёсда қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлайди. Хусусан, унда дунёнинг 100 давлатидан ўн минга яқин тала-

балар билим олади, инновацион ишланма ва дастурлар амалга оширилади. Марказ ҳукумат, хусусий компаниялар, таълим муассасаларининг ўзига хос платформаси ҳисобланади.

Нидерландияда боғдорчилик иқтисодий ривожланишининг 9 та устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Таширф давомида делегация аъзолари учун боғдорчиликнинг асосий йўналишлари ҳамда таянч маълумотлар тақдимоти бўлиб ўтди. Университетнинг илмий-амалий иссиқхона комплекси билан ҳам танишилди. Бу ерда илмий ишланмаларни қўллаш ва қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришдан манфаатдор бўлган хусусий компаниялар буюртмаларини бажариш бўйича тадқиқотлар ўтказилади.

Делегация аъзолари таширф буюрган кейинги объект голландиялик ишлаб чиқарувчилар уюшмаси бўлди. Мазкур Ассоциация агрокомпанияларни бирлаштиради ҳамда мева-сабзавотлар маркетинги билан шугулланади. Бугунги кунда Нидерландияда етиштирилаётган мева-сабза-

вотларнинг 80 фоизи уюшма аъзолари улушига тўғри келади. Уларнинг жами айланмаси эса йилига 12 млрд. евродан ошади.

Уюшма раҳбарияти ички ва ташқи бозорларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш занжирини яратишда тажриба алмашиш бўйича ўзбекистонлик фермерлар билан ҳамкорлик қилиш, Европа Иттифоқи ва бошқа давлатлар бозорларига кириш, маҳсулотларни сертифицициялаш ва логистика бўйича кўникмаларни оширишда ёрдам беришга тайёрлигини билдирди.

Учрашув давомида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Нидерландия агентлигида деҳқон хўжаликларини механизациялаш, паррандачилик фирмалари учун асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш ва Ўзбекистон деҳқонлари учун уруғлар ва зотдор молларни етказиб берувчи компаниялар вакиллари билан ҳам музокаралар ўтказилди. Голландиялик ҳамкорлар Ўзбекистонда Нидерландия компаниялари учун техник марказ ташкил этиш режаси борлигини маълум қилишди.

## «Ўзбекэнерго»: жорий йил 5 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилади

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 3 февралдаги «2018 йил учун инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти томонидан 5 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.

**Ж**орий йилда жами 426,9 млн. АҚШ доллари миқдорига маблағни ўзлаштириш мўлжалланган бўлиб, шундан 294,2 млн. доллари хорижий инвестициялар ҳиссасига тўғри келади.

Маълумки, Ўзбекистон энергетика ресурсларига бой давлат ҳисобланади. Ана шундай имкониятдан самарали фойдаланиш эса бугунги куннинг устувор вазифаларидан. Шу боис соҳага қаратилаётган эътибор натижасида электр энергетика тармоғи жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

– Ўзбекистон энергия манбалари бўйича нафақат ўзини-ўзи тўлиқ таъминлайдиган, балки экспорт қилувчи давлатга айланди, – деди

«Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти бошқарма бошлиғи Феруз Курбонов. – Бугунги кунда соҳани янада ривожлантириш, электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва сотиш тизимида жаҳон тажрибаларига мос иқтисодий ислохотларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш чоралари кўрилаётди. Негаки, аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи кундан-кунга ортиб бормоқда.

Яқунда электр энергияси истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини тартибга солиш, электр энергия учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг такомиллаштириш, электр энергиясидан оқилонга фойдаланиш хусусида ҳам фикр алмашилди.

## «Ўзтўқимачиликсаноат»: Хитой билан ҳамкорлик янги босқичда

Пойтахтимизда ташкил этилган бизнес-форум Ўзбекистон ва Хитой тўқимачилик саноати соҳасида ҳамкорлик қилиш масалаларига бағишланди.

**«У**зтўқимачиликсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо, Иқтисодий вазирликлари, «UzTrade» акциядорлик жамияти ва Хитойнинг текстиль ва кийим-кечак миллий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда икки давлат тўқимачилик саноати вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар қулай ишбилармонлик муҳитини яратиб, тўқимачилик саноатининг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони энгил саноат тармоқларида истиқболли инвестиция лойиҳаларини жалб этишда муҳим ҳужжат бўлди.

– Президентимизнинг 2017 йил май ойида Хитой Халқ Республикасига давлат таширфи доирасида эришилган келишувлар ижросини таъминлаш ҳамда текстиль ва тикиш-трикотаж тармоғидаги икки томонлама ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ушбу тадбирнинг асосий мақсадидир, – деди «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси раиси ўринбосари Бахтиёр Муҳаммадсаидов. – Шу мақсадда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таклифига биноан Хитойнинг текстиль ва кийим-кечак миллий кенгаши раиси бошчилигидаги делегация юртимизга таширф буюр-



ди. Делегация аъзолари Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг инвестициявий салоҳияти билан яқиндан танишишга мушарраф бўлди. Улар танишув таассуротларини бугунги форумда баён қилиб, тўқимачилик саноати бўйича муносабатларни мустаҳкамлаш ҳақида ўз фикрларини билдирди.

– Биз 30 нафардан ортиқ делегация аъзолари Ўзбекистонда пахтани қайта ишлаш ва энгил саноатдаги ютуқлари билан танишиш мақсадида юртингизга келдик, – деди Хитойнинг текстиль ва кийим-кечак миллий кенгаши раиси ўринбосари Чен Дапенг. – Мамлакатингизда энгил саноат ривожига амалга оширилаётган ислохотлар ва сармоядорлар учун яратилган қулайликлардан жуда мамнунмиз. Бу эса бизни ўзбек ҳамкорларимиз билан муносабатларимизни янада мустаҳкамлайди.

Тадбирда иштирокчиларга хорихлик сармоядорлар учун яратилган имконият ва имтиёзлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

## ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

# Янги қонунларни тақдим этамиз

## Пойтахтда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича йиллик эксперимент ўтказилади

Президентимизнинг 2018 йил 15 августдаги «Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

**Х**ужжатга биноан 2018 йил 15 августдан 2019 йил 15 августга Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича эксперимент ўтказилади. У қуйидагиларни назарда тутди:

▶ инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар якунлари бўйича инвестиция шартномаларини тузиш орқали пойтахт ҳокимининг қарори асосида соддаштирилган тартибда инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун доимий эгаллик, доимий фойдаланиш, мuddатли (вақтинчалик) фойдаланиш ҳуқуқи асосида ер участкаларини тақдим этиш имконияти;

▶ инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар якунлари бўйича инвестиция келишуви асосида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан давлат мулк объектларини, шу жумладан, фойдаланилмаётган объектларни уларнинг майдони ҳажмидан қатъи назар бериш, Президентнинг алоҳида қарорлари билан давлат-хусусий шериклики жорий этиш назарда тутилган соҳалардаги объектлар бундан мустасно;

▶ Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан кичик саноат зоналари дирекцияси функцияларини ишончли бошқарув шартномаси асосида хусусий бошқарувчи ташкилотларга бериш;

▶ пойтахт ҳокимининг қарорига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бозорлар ва савдо комплекслари устав капитали (фонди)даги улушларини уларнинг баланс қиймати ва ҳодимлари сонидан қатъи назар, хусусий тадбиркорлик субъектларига фаолият йўналишини сақлаб қолиш, инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар олиш шarti билан бериш, шунингдек, бозорлар ва савдо комплексларининг ижро этувчи органи функцияларини шартнома асосида хусусий бошқарувчи ташкилотларга бизнесни ташкил этиш ва юритиш учун бериш. Бунда ҳар бир туманда ҳокимликнинг улуши бўлган битта маҳаллий бозор сақлаб қолинади;

▶ пойтахт ҳокимининг қарори билан давлат-хусусий шериклик шартларида автомобиль йўллари бўйлаб пуллик автомобиль тўхташ жойларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, хусусий инвесторларни жалб қилган ҳолда кўп қаватли автомобиль сақлаш жойларини қуриш дастурларини тасдиқлаш;

▶ энг юқори ижара тўловлари ва инвестиция мажбуриятларини тақлим этган, асосан йўл ҳаракати соҳасида инновация лойиҳаларини амалга оширишда тажрибага эга тадбиркорлик субъектларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасаруфидан бўлган, шу жумладан, бозорлар ва савдо комплексларига туташ ҳудудларда жойлашган автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойларини давлат-хусусий шериклик шартларида 10 йилга қадар мuddатга ижарага бериш.

Эслатиб ўтамоқчи, 1 октябрдан автотототранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматларини

кўрсатувчи юридик шахсларга солиқ солиш тартиби ўзгаради.

### Эксперимент ўтказиш тартиби

Пойтахт ҳокимлиги томонидан ҳар ҳафта инвестор кўни ўтказилади. Бу кунда, қоида тариқасида, тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг инвестиция шартномаларини тузиш, уларга ер участкалари ажратиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат мулк объектларини бериш бўйича инвестиция тақлимлари кўриб чиқилади ҳамда тегишли маълумотлар шаҳар ҳокимлигининг сайтга жойлаштирилади.

Инвестиция фаолиятини олиб бериш учун Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра ер участкалари бериш инвесторга ер участкасини бир йилгача мuddатга (лойиҳанинг мураккаблигидан келиб чиқиб узайтириш имконияти билан) дастлабки захиралаш шarti билан амалга оширилади, кейинчалик инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар инвестор томонидан бажарилганидан сўнра ер участкасига эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи расмийлаштирилади. Инвестор томонидан зиммасига олинган мажбуриятлар инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар ва мuddатларга мувофиқ бажарилмаганда ер участкасини захиралаш инвесторга компенсация бермасдан ва зарарлар қопланмасдан бекор қилинади.

Фойдаланилмаётган давлат мулк объектларини ўз балансида сақловчилар томонидан шаҳар ҳокимлиги сўров жўнатган вақтдан кейин бир ой мuddатда фойдаланил-

маётган объектдан самарали фойдаланиш назарда тутилган тақлимларнинг тақдим этилмаганлиги – шаҳар ҳокимининг ушбу объектларни инвестиция келишуви асосида реализация қилиш ёки бериш тўғрисидаги қарорини қабул қилиш учун асос бўлади.

Хужжат билан мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилди. Кейинчалик пойтахт ҳокимининг ер участкалари тақдим этиш, фойдаланилмаётган давлат мулк объектларини реализация қилиш ёки бериш масалалари бўйича қарорини қабул қилиш учун рўёбга чиқариш тақлим этилган инвестиция лойиҳаларининг кўрсаткичларини Ишчи гуруҳ томонидан келишиш ва маълумлаш 10 иш кўни давомида амалга оширилади.

Ер участкаларини бериш бўйича материалларни йиғиш, кўриб чиқиш, ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишиш Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан белгиланган тартибда 10 иш кўни давомида, шу жумладан, электрон шаклда амалга оширилади.

Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг ваколатлари Тошкент шаҳар ҳокимига ўтади. У мазкур ваколатларни кичик саноат зоналари дирекцияларига қисман ёки тўлиқ бериши мумкин.


Муайян инвестиция лойиҳалари доирасида ишлаб чиқариш майдончасидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳаллий бюджет маблағлари ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

## Туризм соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базасини камайтириш тартиби белгиланди

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг қўшма қарори (13.08.2018 йилда 3053-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базасини алоҳида харажатлари бўйича камайтириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Хужжат Президентимизнинг 2018 йил 7 августдаги «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3514-сонли қарорининг 15-бандини бажариш мақсадида қабул қилинди. Идоралар ушбу бандда кўрсатилган имтиёزلарни тақдим этиш тартибини белгиладилар:

1 – солиқ солинадиган базани 2020 йил 1 январга қадар санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига мувофиқ келадиган замонавий санитария-гигиена тармоқларини қайта тиклаш, капитал таъмирлаш ва қуришга йўналтирилган харажатлар суммасига – 100 млн. сўмгача камайтириш.



Уни қўллаш учун солиқ тўловчи Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг (бундан кейин – Марказ) хулосасини олиши лозим.

Тегишли ишлар солиқ бўйича бир неча ҳисобот даврларида олиб борилган ҳолларда солиқ солинадиган базани камайтиришни ишлар якунлангандан

кейин Марказнинг хулосасини тақдим этиш шarti билан амалга оширишга рухсат берилади.

Бироқ солиқ тўловчи 2020 йил 1 февралгача Марказнинг хулосасини олмаган тақдирда, имтиёз бекор қилинади ва солиқ тўловчи у қўлланган даврлар учун аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиши керак бўлади. Солиқ солинадиган базанинг 100 млн. сўмгача камайиши, бир марталик ёки қисмларга бўлинган ҳолда, 2020 йил 1 январгача амалга оширилади.

2 – солиқ солинадиган базани ҳар йили 2025 йил 1 январга қадар санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига мувофиқ келадиган замонавий санитария-гигиена тармоқларини, туризм инфратузилмаси объектларини сақлашга йўналтирилган харажатлар суммасига – 12 млн. сўмгача камайтириш.

Ушбу имтиёз солиқ тўловчи Марказнинг хулосасини олгандан кейин тақдим этилади. Солиқ солинадиган базанинг 12 млн. сўмгача камайиши 2025 йил 1 январгача ҳар йили амалга оширилади.

**Бу – муҳим!** Солиқ солинадиган базанинг камайтирилиши юридик шахслардан олинандиган фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ҳамда бозорлар даромадлари бўйича амалга оширилади.

## ДУНЁГА НИГОҲ



## Bank of China инновациявий лойиҳалар учун сармояни оширади

Банк уч йирик майдонга асос солишга урғу беради: самовий ҳисоб-китоблар, катта маълумотлар ва сунъий ақл.

**В**ank of China Хитойнинг энг йирик тўрт давлат банкларидан бири бўлиб, инновацион тадқиқот ва ишланмаларга ажратилган қўйилмалар миқдорини сезиларли даражада орттиришни эълон қилди. Унинг бош ахборот директори Лю Цюаннинг маълум қилишича, илм-фан соҳасидаги инновацион ишланмалар ва тадқиқотларга бир йилда ажратилган сармоялар банк операциявий фойдасининг камида 1 фоизини ташкил этади.

Унинг фикрига кўра, шунча миқдордаги сармоялар банк соҳаси учун одатий бўлиб, Bank of China учун ҳам ани ҳажмдаги маблағ ҳисобланади. Лю Цюань таъкидлаганидек, 2018 йилда Bank of China стратегик режалаштиришнинг янги босқичига қадам қўяди ва самовий ҳисоб амаллари,

катта ҳажмдаги маълумотлар ва сунъий ақлни ўз ичига олувчи уч йирик майдонни ташкил этади.

Айни пайтда банк 12 та лойиҳага блокчейн технологиясини қўллаб бўлган. Ушбу лойиҳалар маълумотлар айирбошлаш, трансчегаравий тўловлар ва рақамли валюталар соҳасидаги ҳолатларни яхшилашга хизмат қилмоқда.

2017 йилда блокчейн технологиясини билан боғлиқ патентларнинг ҳисоби юритилган глобал рейтингга кўра, 11 та патентга эга Bank of China банки жаҳон компаниялари ўртасида йигирманчи, Хитой банклари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллаган эди.

Жорий йилда 20 та йирик иқтисодиётда молиявий технологияларнинг қўлланилишини ўрганган ЕУ аудиторлик компанияси Хитойнинг бу борада энг етакчи мамлакат эканлигини қайд этган эди. Тадқиқот натижаларига кўра, сўнгги ярим йилда 69 фоиз хитойлик истеъмолчилар камида икки турдаги молиявий технологик хизматлардан фойдаланганлиги аниқланган.

## Goldman Sachs рақамли пулларни сақлайди

Банк мазкур соҳанинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида криптовалютавий жамғармалар билан ишлаш ниятида.



**Г**oldman Sachs инвестициявий банки криптовалютавий жамғармаларнинг активларини сақлашга ихтисослашган хизматни ишга туширишни режалаштирмоқда. Бу билан банк сармоядорларнинг таваккалчилигини сусайтириш ҳамда рақамли пуллар бозорига янги иштирокчиларни жалб этишга эришмоқчи. Bloomberg маълумотларига кўра, янги турдаги хизматнинг ишга тушиши криптовалюта билан боғлиқ кенг миқдосдаги хизматларни жорий этишни назарда tutади. Ҳозирча унинг ишга тушиши аниқ санаси маълум эмас, айни пайтда банк раҳбарияти ушбу масалани муҳокама қилмоқда.

«Биз мижозларимизни қизиқтираётган масала, яъни рақамли маҳсулотлар борасида уларга янада яхши хизмат кўрсатиш ниятидамиз. Ҳозирча рақамли активлар соҳасидаги тақлифларимиз кўлами бўйича сўнгги қарорга келмадик», — дейди Goldman Sachs вакили.

Май ойида банкнинг директорлар кенгаши биткоин-фьючерсларни ишга туширишга розилик берган эди. Бунинг учун компания мижозларнинг илтимосига кўра ўзининг хусусий сармоясини сарфлайди.

## Канадада қимматли қоғозлар савдоси янада ривожланади

Канадада қимматли қоғозлар савдоси амалга ошириладиган блокчейн майдон синовдан ўтказилмоқда. Мазкур қарор қимматли қоғозлар айланмаси ва муомалага чиқарилиши билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган.

**К**анаданинг BMO Capital Markets молиявий компанияси Онтариодаги ўқитувчилар пенсия жамғармаси ҳамда Монреал банки билан ҳамкорликда янги майдонда экспериментал транзакция амалиётини синовдан ўтказиб, бу билан фиксал даромадли қимматли қоғозлар бозорида блокчейн технологиясининг қўлланилишини ўрганди.

Мазкур ишланма қимматли қоғоз-

ларнинг эмитенти ва харидорига блокчейндаги транзакцияни кузатиш ва қимматли қоғоз билан боғлиқ барча амалиёт ва маълумотларни текшириш имкониятини беради.

«Бу Канада долларидоги даромадли қимматли қоғозларнинг энг биринчиси бўлиб, блокчейн майдоннинг самарали ишлашини тасдиқлашга хизмат қилади», — дейилади компания баёнотида.

## Credit Suisse банкининг лондонлик ходимлари Франкфуртга кўчади

Швейцариянинг Credit Suisse банки Brexitдан сўнг капиталлар бозори ва истиқболли инвестициявий бизнесни юритишни Франкфуртга ҳам давом эттиришни режалаштирмоқда.

**К**редитор банкининг Германиядаги бўлини маси ҳисобланмиш Credit Suisse Aktiengesellschaftнинг инвестициявий банк бизнеси ва капиталлар бозори бўйича бўлимидаги 200 млн. АҚШ долларилик активларни Франкфуртга кўчириб ўтказишга розилик берди.

Банк эълон қилган молиявий ҳисоботда қайд этилишича, бўлинима Франкфуртдаги инвестициявий банк активларини кўпайтиради. Мазкур қадам «Буюк Британиянинг ЕИ таркибидан чиққанидан кейин бизнесни қайта баҳолаш амалиёти»дан сўнг ташланиши ҳақида чорак ҳисоботида маълум қилинган.

Ҳозирча Германияга кўчиб ишлайдиган банк ходимлари сони аниқ эмас, бироқ уларнинг сони ка-



мида 50 нафарни ташкил этиши кутилмоқда. Илгарироқ Credit Suisse Лондондан Мадридга 50 га яқин банк ходимларини кўчириб ўтказиш борасидаги режасини ошкор қилган эди. Қолган ходимларни эса ЕИдаги бошқа бўлинималарга ўтказишга тўғри келади. Умумий ҳисобда Brexit туфайли Лондондан 250 нафар банк мутахассислари кўчирилади.

## Ripple учта криптобиржа билан ҳамкорлик ўрнатади

Биржалар трансчегаравий тўловлар учун xRapid маҳсулотларидан фойдаланади.

**Р**ipple блокчейн-стартап лойиҳаси учта криптовалютавий биржалар — Американинг Bitrex, Мексиканинг Bitso ва Филиппиннинг Coins.Ph. биржалари билан ҳамкорлик ўрнатади.

Криптобиржалар трансчегаравий тўловларни амалга ошириш учун xRapid маҳсулотларидан фойдалана-

ди. Бу эса турли ташкилотларга фиат валюталарни тез фурсатда айирбошлаш имконини беради.

Ripplingнинг бозорлар бўйича бош стратеги Кори Жонсоннинг айтишича, биржалар ҳисобварақлардаги XRP ҳажмига кўра сараланган ва бу билан мижозлар ликвидлилик тақчиллигини ҳис қилмаслигига эришилди.

## Tashkent Cityга 50 млн. долларлик хорижий инвестиция

Жорий йилнинг 15 август куни Tashkent City ХИМ дирекцияси ва Жанубий Кореянинг Bomi Engineering&Construction Co Ltd ихтисослашган курилиш компанияси инвестиция шартномасини имзолади. Бу ҳақда UzDaily нашри хабар тарқатди.



**В**omi Engineering&Construction Co Ltd компанияси Tashkent City ХИМнинг янги инвесторига айланди ва офис биносини қуради. Корея компанияси ушбу лойиҳага 50 млн. АҚШ долларлари йўналтиради.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўйича музокаралар 2017 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Президентининг Жанубий Кореяга ташрифидан сўнг бошланди.

Компания 2021 йилда кўп қаватли офис биносини қуришни яқунлаш ниятида. Лойиҳа барча хоналар «ақлли» технологиялар билан жиҳозланиши ва «А» синфига мос келишини назарда тутди.

## «Туркистон» ХАТБнинг 65 млрд. сўм қийматидаги акциялари сотувда

«Туркистон» хусусий акциядорлик тижорат банки томонидан 65 млрд. сўм қийматидаги акциялар сотувга қўйилди. Маълумот корпоратив ахборотлар ягона порталида жойлаштирилган.

**У**нга кўра, банк ҳар бирининг қиймати минг (1000) сўм бўлган 65 млн. дона акцияни сотувга чиқарган бўлиб, у 13 август куни давлат рўйхатидан ўтказилган.

Қимматли қоғозларни жойлаштириш усули «очиқ обуна» (акцияларнинг эркин нархда чегараланмаган миқдордаги миқдорлар учун сотувга чиқариш. Ёпиқ обуна шаклида эса сотув чекланган, олдиндан аниқ бўлган миқдорларга сотилиши тушунилади) шаклида амалга оширилган.

«Туркистон» ХАТБ Ўзбекистон молия бозорида 1998 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. У юқори даражадаги жорий ликвидликка, активларнинг изчил ўсиши ва уларни қоплашнинг барқарор манбаларига эга. Юқорида келтирилган маълумотларнинг барчаси «Standard & Poor's» халқаро рейтинг компанияси томонидан банк фаолиятига юқори рейтинг баҳоси берилиши ва унга В-/С рейтинги тақдим этилиши билан тасдиқланади.

finance.uz

## FINANCEUZ хабар қилади

### «Uzbek Leasing International A.O.» ОТБ кредит линиясини жалб қилган биринчи ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТ

Жорий йилда «Uzbek Leasing International A.O.» лизинг компанияси халқаро молия муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиб, ўз ресурсларини хорижий кредит линиялар ҳисобига янада шакллантирмоқда.

**К**омпания яқинда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) билан ана шу мақсадда келишувга эришди. ОТБ кредит линияси маблағлари товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналари лойиҳаларини молиялаштиришга, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва туризм соҳасини ривожлантиришга йўналтирилади.

Ушбу кредит линияси бўйича имтиёз асосан корхона ва ташкилотларнинг 50 фоиздан ортиқ улушига аёллар эгаллик қилувчи ёки хотин-қизлар бошқарувидаги корхоналар ёхуд ходимларнинг 50 фоиздан зиёдини аёллар таш-

кил қилувчи корхоналарга берилиши кўзда тутилган.

Лизинг миқдори 10 000 АҚШ долларидан 300 000 долларгача этиб белгиланган. Муддати эса 5 йилгача бўлиб, йиллик устама тўлови 8 фоиздан бошланади. Лизинг тўловлари миллий валютада амалга оширилади.

Шу кунгача компания томонидан ОТБ кредит линияси маблағлари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларидаги умумий миқдори қарийб 2 млн. долларни ташкил этувчи 8 та лойиҳани молиялаштиришга жалб қилинди.

Улар паррандачилик (ускуна келтириладиган давлат – Италия), тўқимачилик (Хитой), шарикли ручкалар ишлаб чиқариш (Хитой), қишлоқ хўжалиги (Туркия), алюминий профиль ишлаб чиқариш (Хитой) каби чет давлатдан замонавий ускуна ва техникалар олиб келишга қаратилган.

Айни пайтда компания Самарқанд, Фарғона, Наманган ва Хоразм вилоятларидан тақдим этилган лойиҳаларни ўрганмоқда. Уларнинг аксарияти тиббий ускуналарни харид қилиш ва туристик хизматларни кўрсатишга доир лойиҳаларни ўз ичига олади.

### «Суғурталанган уй - ҳимояланган уй»

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан шу номдаги акция ўтказилмоқда.

**У**нда иштирок этиш учун 2018 йилнинг 1 августидан 15 октябргача «Ўзбекинвест» компаниясининг «Менинг уйим - менинг Ватаним» суғурта полисини сотиб олиш kiffoя.

Мазкур суғурта хизмати бўйича полис нархи уйнинг қийматидан келиб чиқиб 14 000 сўмдан 80 000 сўмгача белгиланган.

Компаниянинг шахсий пластик картчаси – «ID картчка»га эга миқдорлари учун акция доирасида полис харид қилганда 15 фоиз чегирма тақдим этилади.

Акция ғолиблари жорий йилнинг 20-27 октябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва



Тошкент шаҳрида алоҳида аниқланади ва уй учун зарур қимматбаҳо совғаларни кўлга киритади.

Акцияда иштирок этиб, суғурталанган уйда яшайсиз ҳамда ютуқларни кўлга киритиш имконига эга бўласиз, дейилади компания расмий сайтыда.

Айтиш жоиз, «Ўзбекинвест» компанияси 2018 йилнинг биринчи ярмида қатор ижобий натижаларга эришди. Хусусан, ҳудудлар ва агентлик тармоғини ривожланти-

риш, янги, долзарб суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда жисмоний ва юридик шахслар кесимида фаол суғурта фаолиятини юритиш натижасида 112 млрд. сўм хажмда суғурта мукофотларини йиғиб (бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 баробар ортиқ), миқдорлар билан тузилган суғурта шартномалари бўйича 69 трлн. сўм ёки 8,9 млрд. АҚШ долларлари эквивалентига тенг суғурта мажбуриятларини олди.

## БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Нашр учун масъул

З.М. ЭРНАЗАРОВА

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Газета таҳририятнинг  
техник ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КЎМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАО

ТАҲРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,  
Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.  
e-mail: info@banknews.uz,  
www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун  
232-45-32 телефони  
орқали мурожаат қилинг.  
Факс: 232-43-98.

Нашр индекси – 102.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба куни чиқади.

Буюртма № г 889.  
Адади 3287 нуска.  
Нархи шартнома асосида.  
Газета А3 ҳажмда, 2 шартли босма табоқда чоп этилди.  
Босишга рухсат этилди: 20.08.2018 й., 9.00.

12345